

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
САМАРҚАНД ФИЛИАЛИ**

**Тошкент давлат иқтисодиёт университети
Самарқанд филиалининг**

**ОДОБ – АХЛОҚ
ҚОИДАЛАРИ**

Самарқанд – 2019

Ушбу одоб-ахлоқ қоидалари Тошкент давлат иқтисодиёт Университети Самарқанд филиали Кенгаши томонидан 2019 йил 30 октябрда №03-сон баённома билан тасдиқланган.

Мазкур одоб-ахлоқ қоидалари Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги Ҳайъатининг 2011 йил 27 июлдаги одоб-ахлоқ қоидаларни олий таълим муассасалариға жорий этиш тўғрисидаги қарори асосида тайёрланган. Унда умумий қоидалар, ходим ва талабаларнинг одоб-ахлоқига оид умумий қоидалар, педагог ходимлар ва талабаларнинг таълим-тарбия жараёнидаги ўзаро муносабатлари, педагог ходимларнинг ўзаро муносабатлари, талабаларнинг ўзаро муносабатлари, педагог ва бошқа ходимларнинг одоб-ахлоққа оид мажбуриятлари, талабаларнинг одоб-ахлоққа оид мажбуриятлари, педагог ва бошқа ходимлар ва талабаларга ман этиладиган қоидалар, раҳбар, педагог ва бошқа ходимлар ўртасидаги одоб-ахлоққа оид муносабатлар, рағбатлантириш ва чора кўриш тартибига оид масалалар ёритиб берилган.

Одоб-ахлоқ қоидалари филиалнинг педагог ва бошқа ходимларига, талабаларга, шунингдек, малака ошириш ва қайта тайёрлаш курси тингловчиларига мўлжалланган.

Тошкент давлат иқтисодиёт университети
Самарқанд филиалининг
ОДОБ-АХЛОҚ ҚОИДАЛАРИ

I. Умумий қоидалар

1. Тошкент давлат иқтисодиёт университети Самарқанд филиали (бундан буён матнда ТДИУ СФ деб юритилади) нинг одоб-ахлоқ қоидалари (бундан буён матнда "Одоб-ахлоқ қоидалари" деб юритилади) Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида"ги, "Таълим тўғрисида"ги, "Ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида"ги ва "Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида"ги қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги Ҳайъатининг 2011 йил 27 июлдаги одоб-ахлоқ қоидаларни олий таълим муассасаларига жорий этиш тўғрисидаги қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларида мобил телефонлардан фойдаланишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида" ги 2012 йил 21 майдаги 139-сон қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ходимларининг одоб-ахлоқ намунавий қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида" ги 2016 йил 2 мартағи 62-сон қарори, ТДИУ СФ Устави ва Ички тартиб қоидалари, умумэтироф этилган маънавий ва ахлоқий тамойилларга мувофиқ ҳамда мамлакатда ўтказилаётган демократик ва хуқуқий ислоҳотлар, фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг юксак талаблари ва замонавий ҳалқаро стандартларига жавоб берадиган юқори малакали кадрларни тайёрлаш, шунингдек, талабаларни маънавий-ахлоқий тарбиялаш, хуқуқий, сиёсий маданиятини ва хуқуқий онгини ошириш бўйича самарали тизимни яратиш, уларда ватанпарварлик, юксак маънавий-ахлоқий фазилатларни, шунингдек, ТДИУ СФда соғлом маънавий ва ижтимоий-психологик муҳитни шакллантириш ҳамда ривожлантириш, ТДИУ СФнинг жамиятдаги ҳамда таълим тизимидағи нуфузи ҳамда обрў-эътиборини асраб-авайлаш ва янада ошириш мақсадида, ТДИУ СФ барча ходим ва талабалари ҳамда малака ошириш ва қайта тайёрлаш курси тингловчилари (кейинги ўринларда талабалар деб юритилади) томонидан ТДИУ СФ ҳудуди, шунингдек, кундалик ҳаётда риоя этишлари шарт бўлган тамойиллар асосида ишлаб чиқилган.

2. Мазкур қоидаларнинг асосий вазифалари:

- ўкув жараёнини самарали ташкил этиш учун максимал даражада қулай шарт-шароитлар яратиш;
- юксак маънавий-ахлоқий фазилатларга эга, жамият, давлат ва оила олдида ўз масъулиятини ҳис этадиган, ватанпарвар ва инсонпарвар, замонавий билимлар билан қуролланган иродаси бақувват, иймони бутун ва виждони пок мутахассисларни тайёрлаш;
- миллий ва ҳалқаро таълим майдонида ТДИУ СФ нуфузи ва рақобатбардошлигини кўтариш ҳамда юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини янада яхшилашга йўналтирилган ТДИУ СФ ўкув,

илмий-методик, илмий-тадқиқот, тарбиявий ишининг ахлоқий асосларини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш;

- соғлом психологик муҳитни сақлаш ва барча педагог ҳамда бошқа ходимлар, шунингдек, талабалар фаолияти самарасини ошириш мақсадида ягона ахлоқ нормаларини таъминлаш;
- ТДИУ СФга нисбатан ижтимоий ишончни мустаҳкамлаш, университет обрў-эътибори ва имижини сақлаб қолиша кўмаклашиш;
- ТДИУ СФ ходим ва талабаларининг маънавий иммунитетини шакллантириш, сақлаш ва ҳимоя қилиш;
- ёшлар орасида одоб-ахлоқ қоидаларини бузишга, шу жумладан, зўравонлик, шафқатсизлик ва ҳаёсизликни ташвиқот қилишга қаратилган ҳар қандай хатти-ҳаракатларнинг олдини олиш;
- ёшларни ичкиликбозлик ва гиёҳвандлик иллатлари, бошқа турли ҳалокатли таҳдидлар ҳамда биз учун ёт бўлган экстремистик таъсирлардан, тубан “оммавий маданият” хуружларидан ҳимоя қилишга кўмаклашишдан иборат.

II. ТДИУ СФ ходим ва талабаларининг одоб-ахлоқига оид умумий қоидалар

3. ТДИУ СФда ҳамжиҳатлик, ғамхўрлик, ўзаро ишонч, ҳурмат, дўстона муносабат, инсофилик, виждонлилиқ, ахил-иноқлик ходим ва талабаларнинг ўзаро муносабатларидағи муҳим шартлардир.


Ходим ва талаба ТДИУ СФда фаолият юритаётган (таҳсил олаётган) турли миллат ва элат вакилларининг одоб-ахлоқ қоидалари, миллий удум, урф-одатлари ва анъаналарини ҳурмат қилиши лозим.

4. ТДИУ СФда ўзаро муносабатларнинг асосий тамойили – бир шахснинг ҳуқуқи бошқа шахснинг ҳуқуқини поймол қиласлиги лозим, жумладан, ходим ёки талабанинг сўз эркинлиги, унга бировга тухмат қилиш, ҳақоратлаш, ўзаро муносабатларда умумэътироф этилган ахлоқ қоидаларини намойишкорона менсимасликда ифодаланувчи беҳаё сўзлардан фойдаланишга йўл қўймайди, виждон эркинлиги ТДИУ СФда диний маросимларни ўтказиш ҳуқуқини бермайди, кийим-кечакларни кийиш эркинлиги эса тарбия жараёнига салбий таъсир ўтказиш ҳолларини келтириб чиқаришига йўл қўймайди.

Ходим (талаба) ўзининг шахсий, оилавий, ижтимоий ёки бошқа муносабатлари унинг ТДИУ СФдаги фаолиятига таъсир этишига йўл қўймаслиги лозим.

5. ТДИУ СФ ходим ва талабаларининг ўз касбига мос бўлган замонавий кийимда бўлишлари мақсадга мувофиқдир. Уларнинг одамлар дикқатини тортадиган, хусусан, танани шаффоғ кўрсатиб турадиган, елка, қўкрак ва қорин, тиззадан юқори қисмлари очиқ қоладиган ҳамда ҳаддан зиёд тор кийимда, шунингдек, металл занжирлар, наушниклар ва бошқа тақинчоқлар, пирсингда университетга келиши мумкин эмас. Диний ибодат либосида ҳамда спорт кийими ва пойафзалида келиш ҳам тақиқланади.

Педагог ходим ва талабаларнинг ташқи қиёфаси озода, покиза, соч ва соқоли олинган бўлиши шарт.



ТДИУ СФ хотин-қизларига ёрқин пардоз (макияж) қилишга йўл қўйилмайди.

Талаба-йигитлар ТДИУ СФга оқ, ҳаворанг, оч жигарранг ёки оч кулранг кўйлакда, классик услубдаги шим ёки одми костюм, галстукда ва тўқ рангдаги пойафзалда келишлари лозим. Бунда, албатта, ўzlари билан ўқув воситаларини олиб келишлари шарт.

Шунингдек, 25x20 ўлчамдан кичик бўлмаган папка ёки портфель тутишлари лозим.

Талаба-қизлар ТДИУ СФга оч рангли ва ёрқин рангда бўлмаган блузкаларда, тиззани ёпиб турадиган юбка ёки одми костюм ва тўқ рангдаги пойафзалда келишлари лозим, шунингдек, ўzlари билан ўқув воситаларини олиб келишлари шарт, талаба-қизларга ёрқин пардоз (макияж) қилишга йўл қўйилмайди.

Ўқитувчи ва ходимлар, талabalарнинг аудитория ва хизмат хоналарда устки кийимда (плаш, пальто, куртка кабилар) юришлари тақиқланади.

Педагог ва бошқа ходимлар, шунингдек, талabalарнинг ташқи қиёфаси озода, покиза бўлиши лозим.

6. Ходим ва талabalар шаъни ва қадр-қиммати эъзозланиши ҳамда ҳалқимизнинг маънавий меросини авайлаб-асраш мақсадида, ходим ва талabalар бир-бирига нисбатан ҳурматсизлик қилиши, беҳаё сўзлар ишлатиши қатъий тақиқланади. Ўзаро “Сиз” деб мурожаат қилиш одат тусига кириши лозим.

Талabalар педагог ва бошқа ходимларга исми шарифини айтиб мурожаат қилишлари шарт. Худди шундай, ҳамкасб-педагог ва бошқа ходимлар ҳам ўзаро мунособатда бир-бирига исми шарифини айтиб мурожаат қилишлари лозим.

7. Ходим ва талabalар турли тадбирлар (мажлислар, тантанали йиғилишлар, учрашувлар, байрамлар) да сўзга чиқувчиларга нисбатан ҳурмат билан муносабатда бўлиши, тинчликка риоя этишлари шарт.

Зарурат туғилганда мажлислар залидан нутқлар ўртасида чиқиш мумкин.

8. Биноларга кириш ва бинолардан чиқиш жойларида, шунингдек, коридорларда талabalар педагог ва бошқа ходимларни, эркаклар эса аёлларни ўzlаридан олдин ўтказиб юборишлари лозим.

9. Бинога кираётган ҳар бир шахс биноларга кириб-чиқишни назорат қилиш учун тайинланган масъул шахс ёки навбатчига ўз шахсини тасдиқловчи ҳужжатни очик ҳолда кўрсатиши шарт.

10. Ходим ва талabalар университет ҳудудида йўлнинг ўнг томонидан юришлари керак. Бир-бирига дуч келганда, албатта, саломлашишлари, бунда: талabalар педагог ва бошқа ходимларга, эркаклар хотин-қизларга, ёшлар катталарга биринчи бўлиб салом беришлари тавсия этилади. Бундан қўл бериб сўрашиш истисно бўлиб, ёши катта шахслар биринчи бўлиб қўл узатганидан кейингина, унга жавобан қўл узатиш мумкин.

11. Давлат органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, тадбиркорлик субъектлари, таълим ва илмий муассасалар, оммавий ахборот воситалари ҳамда фуқаролар билан ўзаро муносабатларда ТДИУ СФ ходим ва талabalari расмий мулоқот меъёр ва қоидаларига риоя этиб, қўйидагиларга мажбур:

- ўз ҳаракатларини ТДИУ СФ манфаатларини кўзлаб амалга ошириш, унинг имижини сақлаш, ТДИУ СФ, унинг ходим ва талабалар манфаатларига ва номига зиён етказадиган ҳаракатларни амалга оширмаслик;
- ТДИУ СФ, унинг ходим ва талабалари ҳақида ҳақиқатга тўғри келмайдиган ёки нотўғри талқин қилинган маълумотларни тарқатмаслик, шунингдек, шундай маълумотлар тарқалишига йўл қўймаслик, шу жумладан жамоат олдида чиқишлиар қилмаслик;
- ТДИУ СФ ходимлари ва талабаларининг розилигисиз уларнинг шахсий ҳаётига оид маълумотларни ошкор қилмаслик;
- ходим ва талабалар ҳақида уларнинг касбий ва ўқув фаолиятига оид бўлмаган маълумотларни аниқлаштирмаслик;
- хизмат ахборотларини тақдим этиш қоидаларига амал қилиш;
- ахборотни етарлилик (ҳаддан ташқари қисқа ва шу билан бирга ўта керагидан ортиқ) ва ишончлилик (қайта текширишни талаб қилмайдиган) талабларига мувофиқ ҳолда тақдим этиш;
- ўз хизмат вазифаларини бажариш жараёнида олинган маълумотларни ушбу маълумотлардан фойдаланиш мақсадига мувофиқ бўлмаган тарзда фойдаланмаслик, шунингдек, уларни ТДИУ СФ раҳбарияти рухсатисиз тарқатмаслик;
- ҳамкаслар ва бошқа ходимларнинг касбий ҳаракатларини танқид қилмаслик, шунингдек, жамоат олдида чиқишлиар, шу жумладан, оммавий ахборот воситаларида ТДИУ СФ фаолияти, унинг раҳбарияти ҳақида фикр-мулоҳазалар билдириш, баҳо беришга йўл қўймаслик.

Умумбашарий ва миллий қадриятларга хос бўлмаган ёки ТДИУ СФнинг нуфузига путур етказадиган материалларни Интернет тармоғига жойлаштириш ёки улардан турли ноўрин мақсадлар йўлида фойдаланиш тақиқланади.

12. ТДИУ СФга тегишли компьютерларда ТДИУ СФга тегишли бўлмаган маълумотларни, шунингдек, турли кинофильмлар, ноқонуний маълумотлар, беҳаё суратлар, миллий, ирқий, этник, диний адоватни тарғиб қилувчи ҳар қандай материалларни тайёрлаш, сақлаш, тарқатиш ва тарғиб этиш қатъян ман этилади.

13. Ўқув машғулотлари ва ишга ҳамда ходим ва талабаларнинг осойишталигига халақит берадиган хатти-ҳаракатлар (радиоприёмник, телевизор, мультимедиа ва овоз чиқарувчи мосламалардан мақсадсиз фойдаланиш) содир этиш тақиқланади.

14. ТДИУ СФ ходим ва талабалари дарс машғулотлари ва ишга белгиланган кун тартибиға кўра ўз вақтида келишлари шарт.

15. ТДИУ СФда қуидаги ҳолатлар қатъий тақиқланади:

- ҳар қандай хукуқбузарлик содир этиш, шу жумладан, тухмат қилиш, ҳақоратлаш, ходим ёки талабага жисмоний, маънавий ёки моддий зарар етказиши мумкин бўлган маълумотни тарқатиш, тан жароҳати етказиш;
- гиёҳванд моддалар, психотроп воситалар, алкоголь ва тамаки маҳсулотларини истеъмол қилиш ва тарқатиш;
- ҳаловат ёки осойишталикка тажовуз қилиш, жанжаллашиш, қимор ва шунга ўхшаш бошқа ўйинлар ўйнаш.

III. Педагог ходимлар ва талабаларнинг таълим-тарбия жараёнидаги ўзаро муносабатлари

16. Педагог ходимлар ва талабаларнинг таълим-тарбия жараёнидаги ўзаро муносабатлари миллий анъаналар ва ўзаро ҳурмат тамойилларига асосланиши лозим.

Педагог ходимлар томонидан талабаларга нисбатан юқори талабчанлик уларнинг шахсини ҳурмат қилиш билан биргаликда амалга оширилиши керак.

17. Педагог ходим аудиторияга кирганида, барча талабалар ўринларидан туриб саломлашишлари, сўнгра фақат педагог ходимнинг рухсати билан ўз жойларини эгаллашлари керак. Педагог ходим аудиториядан чикқанда, талабалар ўринларидан туришлари лозим. Шу тариқа талабалар дарс вақтида аудиторияга кирган ёши катта инсонлар билан ўринларидан туриб саломлашишлари даркор.

18. Дарс машғулотлари вақтида уяли алоқа воситаларидан фойдаланиш барча учун қатъиян тақиқланади.

19. Талабаларнинг дарсга кеч қолиб келишларига йўл қўйилмайди. Лекин, узрли сабабга кўра дарсга кеч қолган талаба узр сўраб, педагог ходимнинг ижозати билан жойига ўтириши мумкин.

Дарс машғулотига кеч қолган талаба фақат педагог ходимнинг рухсати билан аудиторияга киритилади.

Педагог ходим дарс машғулотларига ўзининг ножӯя ҳаракатлари билан халақит бераётган талабани юзага келган вазият ҳақида курс раҳбарини хабардор қилиб (курс раҳбари ўз ўрнида бўлмагандан гурух мураббийини), дарсдан четлатиши мумкин.

20. Талаба учун педагог ходим билан ўқув машғулотларидан ташқари вақтда мулоқот қилиш зарурати бўлса, у ҳолда мулоқот:

- дарс машғулотларида, маслаҳат соатларида, мустақил ишларни, рейтинг назоратини топширишда ёки ўзаро келишув бўйича белгиланган вақтда амалга оширилиши мумкин;
- талаба ўзи мулоқот қилмоқчи бўлган педагог ходимнинг лавозими, исми, отасининг исми ва фамилиясини аниқ билиши шарт.

21. Талаба олдиндан келишилмаган ҳолда педагог ходимнинг ҳузурига келса, умумий ёки ўзаро келишилган маслаҳат соатига кеч қолиб келган ёки келмаган бўлса, педагог ходимдан ҳатто қисқа вақт сухбатлашишни талаб қилишга ҳам ҳақли эмас.

22. Асослантирилган жиддий сабаблар (кўполлик, тамагирлик, педагог ходимнинг айби билан машғулотлар ўtkазилишидаги мунтазам узилиш ҳолларини исботловчи далиллар ва б.) ҳамда гурух (курс)нинг яқдил фикри мавжуд бўлгандагина, талабалар педагог ходимни алмаштириш ҳақида илтимос қилишлари мумкин.

23. Талабаларга рейтинг балини қўйишида ТДИУ СФ педагог ходими ва бошқа ходимларига ҳар қандай шаклдаги рағбатлантиришни таклиф этиш, шунингдек, рейтинг балини олишида ТДИУ СФ педагог ходими ва бошқа ходимлари билан келишиш учун ўртага одам қўйиш қатъий тақиқланади. ТДИУ СФ педагог ходими ва бошқа ходимларига рейтинг балини олиш учун талабадан ҳар қандай шаклдаги рағбатлантиришни сўраш ва талаб қилиш, шунингдек,

ТДИУ СФ педагог ходими ва бошқа ходимларига талабага рейтинг балини қўйиб бериш масаласида мурожаат қилишлари тақиқланади.

IV. Педагог ходимларнинг ўзаро муносабатлари

24. Педагог ходимларнинг ўзаро муносабатлари ягона жамоа, ўзаро ҳурмат ва эътибор, дўстлик, ҳамжиҳатлик, ҳалоллик ва адолат тамойилларига асосланиши лозим.

25. Педагог ходимлар муносабатларида инсон қадр-қимматига ҳурматсизлик қилиш, шахсиятини камситиш, ўзганинг интеллектуал мулкини ўзлаштириб олиш, қўполлик, беҳаё сўзлар ишлатиш, муштлашиш, ўзгаларга маънавий, моддий ёки жисмоний зиён етказиш қатъиян ман этилади.

V. Талабаларнинг ўзаро муносабатлари

26. Талабаларнинг ўзаро муносабатлари ягона жамоа, ўзаро ҳурмат ва эътибор, дўстлик, ҳамжиҳатлик, ҳалоллик ва адолат тамойилларига асосланиши лозим.

27. Талабалар муносабатларида инсон қадр-қимматига ҳурматсизлик қилиш, шахсиятини камситиш, ўзганинг интеллектуал мулкини ўзлаштириб олиш, қўполлик, беҳаё сўзлар ишлатиш, муштлашиш, ўзгаларга маънавий, моддий ёки жисмоний зиён етказиш, масхара қилиш қатъиян ман этилади.

VI. ТДИУ СФ педагог ва бошқа ходимларининг одоб-ахлоққа оид мажбуриятлари

28. ТДИУ СФ педагог ва бошқа ходимлари:

- талабаларга ўрнак бўлишга;
- ўз фаолиятини юксак касбий даражада амалга оширишга;
- ТДИУ СФ обрў-эътибори ва нуфузига доғ туширадиган ҳар қандай ҳаракатларни содир этишдан ўзини тийишга, шунингдек, бундай ҳаракатлар содир этилишининг олдини олишга;
- ТДИУ СФ тўғрисидаги ахборотлардан унинг манфаатлари ва обрўсига зиён етказиш учун ёки ўз манфаатлари йўлида фойдаланмасликка;
- ТДИУ СФ мулкига эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиш (кўчар ва кўчмас мулк, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсига ва бошқалар), шу жумладан, хизмат вазифасини бажариш учун берилган, шунингдек, оргтехника воситалари ва буромад материалларидан тўғри ва тежамкорона фойдаланишга;
- моддий бойликлар ва бошқа ресурслардан оқилона фойдаланиш ва уларни сақлаш тартибига қатъий риоя қилишга;
- ўз хизмат жойидаги тартиб-интизомга ва хизмат хужжатлари билан ишлаш қоидаларига риоя қилишга;
- электр энергияси ва сувни тежамкорона ишлатишга;
- таътилдан олдин, меҳнат шартномаси тутатилганда ўз хизмат жойини талабга жавоб берадиган ҳолатда қолдириш, ўз зиммасидаги оргтехника воситалари ва бошқа материалларни, ўзига топширилган, лекин ҳали якунланмаган вазифаларни бошқа шахсга топширишга;

- бирор-бир нохуш воқеа ёки ҳодиса рўй берса, у ҳақда зудлик билан ТДИУ СФ раҳбариятига хабар беришга;
- телефон орқали мулоқот қилишда мумомала маданияти ва ахборот тақдим этиш қоидасига риоя қилишга (жумладан, сұхбатни, энг аввал, расмий тарзда саломлашишдан бошлаб, сўнг ўз хизмат муассасаси, лавозими ҳамда фамилияси, исми, шарифини айтиб, мақсадга ўтиш лозим, тақдим этилаётган ахборот максимал қисқа, лўнда ва аниқ бўлиши керак, сўралаётган маълумот сұхбат жараёнида изланиши туфайли телефон тармоғи банд қилишга йўл қўйилмайди, зарурат бўлса, қайта қўнғироқни амалга ошириш мумкин);
- одоб-ахлоққа оид миллий анъаналаримиз, урф-одат ва қадриятларимизни тарғиб қилишга;
- ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашга;
- ёшлар орасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, уларни ичкилиқбозлиқ ва гиёхвандлик иллатларидан, бошқа турли ҳалокатли таҳдидлар ҳамда биз учун ёт бўлган экстремистик таъсирлардан, “оммавий маданият” хуружларидан огоҳ этиб боришга;
- таълим олувчиларни маънавий-ахлоқий тарбиялаш ва маърифий ишларнинг самарали шакл ҳамда услубларини ишлаб чиқишида кўмаклашишга мажбур.

VII. Талабаларнинг одоб-ахлоққа оид мажбуриятлари

29. Талабалар:

a) университет худудида:

- худудга киришда талабалик гувоҳномасини кўрсатиб киришга;
- худудни ифлослантирмаслик, чиқиндиларни жойлардаги маҳсус қўйилган қутиларга ташлашга;
- педагог ва бошқа ходимлар меҳнати, шаъни ва ғурурини ҳурмат қилишга;
- педагог ва бошқа ходимлар билан дуч келганда салом беришга;
- ўқув машғулотлари вақтида ТДИУ СФ худудида беҳуда юрмасликка;
- ТДИУ СФ мулкига (кўчар ва кўчмас мулки, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ва ҳоказолар)га эҳтиёткорона муносабатда бўлишга;
- кийиниши одобига риоя қилишга;
- мутасадди ходимларнинг рухсатисиз турли реклама воситаларини осмасликка;
- тинчликни сақлашга;
- ўз ҳаракатларини пухта бошқаришга;
- наркотик ва психотроп моддалар, алкоголь ва тамаки маҳсулотлар истеъмол қилиниши ҳамда тарқатилишига қарши курашишга мажбурдир.

б) аудиторияда:

- уяли алоқа воситаларини ўчириб қўйиши;
- дарс вақтида гаплашмаслиги ҳамда дарс машғулотига тааллукли бўлмаган ишлар билан шуғулланмаслиги;

- жиҳозларга эҳтиёткорона муносабатда бўлиши, парталарга ёзмаслиги;
- қоғоз, сақич ва бошқа кераксиз нарсаларни қолдириб кетмаслиги;
- овқатланмаслик, сақич чайнамаслиги шарт.

в) жамоат ва умумий овқатланиш жойларида:

- этикет қоидалари га риоя этиш ва бошқа фуқароларга қўпол муомалада бўлмаслика;
- ташкилотлар ва фуқароларнинг мулкига зарар етказмаслика;
- тозалик ва тартибга риоя қилишга;
- жамоат транспортида ўзини тўғри тутиш, ёш болали, ногирон ва ёши катталарга жой беришга;
- таомларга буюртма беришда ва олишда навбат тартибига риоя қилишга;
- тирбандлик ҳолатида ўқитувчилар, аёллар ва ёши катталарга ҳурмат кўрсатишга;
- овқатланиш вақтида шовқин қилмаслика;
- умумий овқатланиш шохобчасида белгиланган тартиб-қоидаларга риоя қилишга мажбур.

г) Ахборот-ресурс марказида (кейинги ўринларда – АРМ):

- уяли алоқа воситаларини ўчириб қўйишга;
- АРМ ходимлари билан хушмуомала бўлишга;
- китоблар ва жиҳозларга эҳтиёткорона муносабатда бўлишга;
- баланд овозда сўзлашмаслик ва атрофдагиларга халақит бермаслика;
- қоғоз, сақич ва бошқа чиқиндиларни қолдириб кетмаслика;
- китобларни олиш ва топшириш тартиб-қоидаларига риоя қилишга мажбур.


д) Талабалар турар жойида:

- мол-мулкка нисбатан эҳтиёткорона муносабатда бўлиш ва фойдаланишга;
- электр энергияси, газ ва сув ресурсларидан тежамкорона (оқилона) фойдаланишга;
- санитария ва гигиена хоналаридан фойдаланиш қоидаларига риоя этишга;
- Талабалар турар жойи Ички тартиб-қоидаларига қатъий риоя қилишга мажбур.

е) спорт мажмуаларида:

- спорт мажмуасига хос бўлган кийим ва пойафзалларда киришга;
- спорт инвентарларига нисбатан эҳтиёткорона муносабатда бўлишга;
- машғулотлардан кейин спорт инвентарларини белгиланган жойларга қайта топширишга;
- спорт мажмуасининг белгиланган тартиб-қоидаларига риоя қилишга мажбур.

ж) маданият саройи, фаоллар зали ва бошқа оммавий тадбирлар ўтказиш жойларида:



- ўриндиқ ва бошқа жиҳозларга нисбатан эҳтиёткорона муносабатда бўлишга;
- ҳуштак чалмаслик, бақирмаслик, тадбир тугашидан олдин сабабсиз чиқиб кетмасликка;
- ухламаслик, ўриндиқларга ётиб олмаслик, бир-бири билан баланд овозда гаплашмаслик, уяли телефонда сўзлашмаслик, ён-атрофдагиларга халақит бермасликка мажбур.

30. ТДИУ СФ талабаси:

- ТДИУ СФ талабаси деган муносиб номга мувофиқ ўқиш ва ишлаши;
- ТДИУ СФ дипломини олиш учун эмас, балки ҳақиқий билим олиш учун ўқиши;
- нутқ маданиятини доимий такомиллаштириш;
- турли давраларда ўзининг намунавий хулқи ва билими билан университет ҳақида юксак ижобий таассурот қолдириш учун интилиши;
- талабалар ўз-ўзини бошқариш тизимини фаол қўллаб-қувватлаш ва мустаҳкамлаш, талабалик ижодий фаолият фаоллигини ривожлантириш (илмий-таълимий, спорт, бадиий ва бошқалар), корпоратив маданиятни ўстириши;
- доимо комилликка интилиш, ҳалоллик ва адолат билан ҳаёт кечириш каби олижаноб фазилатларни чукур англаши;
- ТДИУ СФ манфаати, унинг шаъни ва шонли анъаналари, обрўси ҳамда нуфузи тўғрисида қайғуриш, уларни сақлаб қолишга жонкуярлик қилиш ва уларга хурмат билан муносабатда бўлиши;
- жамоат хавфсизлик манфаатларидан келиб чиқиб, имкон даражасида ТДИУ СФга жамоат транспортида келиши;
- танқидий мулоҳазаларни объектив қабул қилишга ва билдиришга, ўз хато ва камчиликларини англаш ва бартараф этиши;
- педагог ходимларнинг мазкур қоидаларни бажариш тўғрисидаги талабларини гап талашмасдан ва зудлик билан бажариши шарт.

VIII. ТДИУ СФ педагог ва бошқа ходимлари ҳамда талабаларига ман этиладиган қоидалар

31. ТДИУ СФ педагог ва бошқа ходимларига:

- ўз шахсий фойдаси ҳамда ўзгалар манфаатини қўзлаб хизмат лавозимини сунстельмол қилиш;
- педагог ва бошқа ходимлар, талабаларнинг шахсиятини ва қадр-қимматини камситиш, ўзгаларнинг шахсий ва оиласи муниммаларини муҳокама қилиш;
- ҳеч бир шахс ҳақида ирқи, эътиқоди, миллати, жинси, ижтимоий келиб чиқиши, ҳолати ва лавозими, тили ва бошқа хусусиятларидан қатъи назар нотўғри фикр юритиш ва уни камситиш (сўз ёки ҳаракат орқали);
- педагог ва бошқа ходимлар, талабалар ва ўзгалар устидан турли иғво, фийбат ва бўхтонлар уюштириш ва тарқатиш;
- талабалар билан ўз ҳамкарабаларининг касбий ва шахсий камчиликларини муҳокама қилиш;

- раҳбарият қарорларини шарҳлаш ва уларни шубҳа остига олиш;
- хизмат мажбуриятларини бажаришда манфаатлар тўқнашувини беркитиш;
- ўз хизмат мажбуриятини бажаришда ҳар қандай ходимга нисбатан шубҳали ҳолатни келтириб чиқарувчи низоли вазиятларга йўл қўйиш, ходим обрўси ёки ТДИУ СФ нуфузига путур етказиш;
- талабаларни асоссиз ўқув машғулотларидан чиқариб юбориш, шунингдек, талабага ТДИУ СФ талабалар сафидан четлаштириш ёки талабанинг мажбуран ўқишни ташлаши учун ундаш билан қўрқитиб, унинг талабалар сафидан четлаштирилишига олиб келиш;
- ўқув машғулотларида тижорат рекламаси ўтказиш;
- совға-салом беришга мажбур қилиш, хизмат вазифасини бажариш доирасида юридик ва жисмоний шахслар томонидан рағбатлантириш (совға, пул, ссуда, турли хизмат турлари, майшат, дам олишлар, транспорт ҳаражатларини тўлаш ва бошқа совғалар олиш) қабул қилиш ёки унга рози бўлиш, қачонки рағбатлантирувчи шахс (совға берувчи) бевосита ёки билвосита ходимни рағбатлантириш орқали манфаат кўзлаганда, мансаб мажбуриятларини бажаришда унга таъсир ўтказиши ҳақида хulosса қилиш мумкин;
- диний ташвиқот олиб бориш;
- ТДИУ СФ талабалари ва университетга ўқишга кирувчилар билан ҳар қандай молия-иктисодий муносабатга киришиш (амалдаги қонунчилик асосидаги ҳаракат бундан мустасно);
- шахсий автомобилни тақиқланган жойда қолдириш, йўл ҳаракати қоидаларини менсимаслик (бепарво бўлиш), шунингдек, транспорт воситаларидан фойдаланишда хавф-хатар яратиш ва бошқалар тинчлигини бузувчи ҳолатларга йўл қўйиш;
- ишга маст, соч-соқол олинмаган ва кийиниш талабига риоя қилмаган ҳолда келиш;
- ТДИУ СФ бинолари ва ҳовлисида, шунингдек, ТДИУ СФ биноларига туташган ва ТДИУ СФ биноларидан 500 метрдан кам бўлган ҳудудда спиртли ичимликлар ичиш ва чекиш тақиқланади.

Талабалардан рейтинг балини қўйиш учун ҳар қандай шаклдаги рағбатлантиришни сўраш ёки талаб қилиш, шахсий манфаат ва мақсадларни ҳал қилиш мақсадида педагог ва бошқа ходимлар, ТДИУ СФ раҳбарияти уйига бориш (шу жумладан, таҳдид қилиш), спиртли ичимликлар ичиш ёки ишга маст ҳолда келиш, қимор ёки шунга ўхшаш бошқа ўйинларда иштирок этиш, ТДИУ СФ, унинг ходим ва талабалари ҳақида ҳақиқатга тўғри келмайдиган ёки нотўғри талқин қилинган маълумотларни тарқатиш каби ахлоқсиз ҳолат фактлари аниқ далиллар билан исботланса, бу ғайриахлоқий ва ножёя хатти-ҳаракат деб баҳоланиб, педагог ва бошқа ходимнинг бундан буён университетда меҳнат фаолиятини юритишга тўсқинлик қиласи.

32. Талабага:

- ўз шахсий фойдаси ҳамда ўзгалар манфаатини кўзлаб ўз мавқеини суистеъмол қилиш;

- педагог, бошқа ходимлар ва талабаларга қўполлик қилиш, машғулотлар вақтида асоссиз гапириш;
- педагог ходим билан бошқа талабаларнинг баҳосини муҳокама қилиш;
- ёлғон гапириб, педагог ва бошқа ходимларни чалғитиши;
- ходимлар ва ўз тенгдошларига нисбатан ҳурматсизлик қилиш;
- ТДИУ СФ талабалари ва университетга ўқишига кирувчилар билан ҳар қандай молия-иктисодий муносабатга киришиш (амалдаги қонунчилик асосидаги ҳаракат бундан мустасно);
- ёзма ишларни ҳимоя қилиш ва рейтинг назоратига доир бошқа тартиб-таомилларни бажариш вақтида четдан ёрдам олиш, ўзгаларга ёрдам кўрсатиш;
- бошқа шахслар томонидан тайёрланган топшириқлар ёки ёзма ишларни ўз номидан топшириш;
- машғулотларни ўтказиб юбориш ёки кечикиб келиш;
- машғулотлар вақтида ва улар тугагандан кейин педагог ходимнинг рухсатисиз аудиториядан чиқиб кетиш (шунингдек, чиқишга шай бўлиш);
- дарс машғулотлари ўтаётган вақтда курс раҳбарлари, магистратура бўлими бошлигининг рухсатисиз ТДИУ СФ ва унинг ҳудудидан кетиш;
- бошқа талабанинг саъй-ҳаракатларига қасддан зиён етказиш;
- моддий жиҳатдан яхши таъминланганлигини турли йўллар билан кўз-кўз қилиш;
- шахсий автоуловни мумкин бўлмаган жойларда қолдириш, йўл ҳаракати қоидаларини менсимаслик (бепарво бўлиш), шунингдек, транспорт воситаларидан фойдаланишда хавф-хатар яратиш ва бошқалар тинчлигини бузувчи ҳолатларга йўл қўйиш;
- ТДИУ СФга маст, соч-соқол олинмаган ва кийиниш талабига риоя қилмаган ҳолда келиш;
- ТДИУ СФ бинолари ва ҳовлисида, шунингдек, ТДИУ СФ биноларига туташган ва ТДИУ СФ биноноларидан 500 метрдан кам бўлган ҳудудда спиртли ичимликлар ичиш ва чекиш қатъяян ман этилади.

Рейтинг балини қўйиш учун педагог ва бошқа ходимга ҳар қандай шаклдаги рағбатлантиришни таклиф этиш (шу жумладан, шу мақсадда педагог ва бошқа ходимлар, ТДИУ СФ раҳбариюти уйига бориш ҳамда таҳдид қилиш), спиртли ичимликлар ичиш ёки ишга маст ҳолда келиш, қимор ёки шунга ўхшаш ахлоқсиз ҳолатларга сабаб бўлувчи бошқа ўйинларда иштирок этиш, ТДИУ СФ, унинг ходим ва талабалари ҳақида ҳақиқатга тўғри келмайдиган ёки нотўғри талқин қилинган маълумотларни тарқатиш каби ҳолат фактлари аниқ далиллар билан исботланса, ахлоқсиз ҳолат деб баҳоланиб, талабанинг бундан буён университетда меҳнат ва ўкув фаолиятини юритишга тўсқинлик қиласди.

IX. Раҳбар, педагог ва бошқа ходимлар ўртасидаги одоб-ахлоқча оид муносабатлар

33. Раҳбарият, педагог ва бошқа ходимлар ўртасидаги муносабатлар, ўзаро ҳурмат, аҳиллик, фаоллик, бағрикенглик, ҳамкорлик, инсонпарварлик, ғамхўрлик ва адолат тамойилларига асосланади.

34. Раҳбарият, педагог ва бошқа ходимларнинг иш фаолиятига доир масалалар бўйича ҳамкорлик қилишида бир тарафнинг бошқа тарафга тазиқ ўтказишига ёки унга асоссиз ҳаракат қилишига, шунингдек, адолат тамойилларига ва университет манфаатларига зид бўлган қарорлар тайёрланишига йўл қўймайди.

35. Лавозим даражалари тенг бўлган ходимлар ўртасидаги муаммоларни ўзаро ҳал этиш тавсия этилади. Лавозим даражалари тенг бўлган ходимларнинг иш жараёнидаги турли муаммоларни ўз ваколатлари доирасида, раҳбарларни жалб этмаган ҳолда ҳал этишлари маъқулланади.

36. Жамоада бирор-бир масала билан раҳбар ходимларга мурожаат қилиш тартиби (субординация) тамойили асосида ташкил этилади.

37. Педагог ва бошқа ходимнинг университетда маънавий-ахлоқий муҳитни янада яхшилаш бўйича ташаббус ва ғоялари рағбатлантирилади.

38. Раҳбарият педагог ва бошқа ходимларнинг касбий ва интеллектуал жиҳатдан ривожланишлари учун қулай иш жойи, замонавий компьютерлар, интернет тармоғи, кутубхона фонди ва ахборот ресурсларидан эркин фойдаланишлари, шунингдек, ҳордик чиқаришлари, дам олишлари, жисмонан чиникишлари учун барча имтиёзларни яратиб беради.

X. Рағбатлантириш ва чора қўриш тартиби

39. Ўқув йили давомида мазкур қоидаларга тўла риоя қилган, университетда юксак маънавий-ахлоқий муҳитнинг янада қарор топиши ва мустаҳкамланишига хизмат қилган ходим ва талabalari – раҳбарият, кафедра мудирлари, курс раҳбарлари ва бошқа таркибий тузилмалар раҳбарлари тавсиясига биноан, белгиланган тартибга мувофиқ моддий ёки маънавий рағбатлантирилиши мумкин.

40. Педагог ва мутахассис ходимлар мазкур Қоидаларни бузганида, уларга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Мехнат кодекси, шунингдек ТДИУ СФ Ички тартиб-қоидаларининг 3.4. бандида (Мехнат интизомини бузганлиги учун ходимга нисбатан қулланиладиган интизомий жазо чоралари) қайд этилган чоралар қўлланилади.

Белгиланган Одоб-ахлоқ қоидаларга риоя этмаган талаба (докторант, тингловчи) ларга хайфсан ва талabalар сафидан (докторантурадан) четлаштириш интизомий жазо чоралари қўлланилади.

Юқоридаги холатлар талabalар ва профессор-ўқитувчиларда кузатилган ҳолларда, улар талаб этилган холатга келмагунига қадар таълим муассасасига (айниқса аудиторияга) киритилмайди.

ТДИУ СФ ходимлари томонидан ушбу Қоидаларни бузганлик хақидаги маълумот кадрлар бўлими томонидан қабул қилинади ва кўриб чиқилади. Ушбу Қоидаларга талabalар томонидан риоя этилмаса, бу ҳолат курс раҳбари, Маънавий-маърифий марказ ҳамда талаба ўқиётган гурӯҳ мураббийи иштирокида кўриб чиқилади.

Одоб-ахлоқ қоидаларга риоя этмаган ТДИУ СФ ходими ва талабасини интизомий жавобгарликка тортиш бўйича буйруқ лойиҳаси кадрлар бўлими

(ходимларга нисбатан), Маънавий-маърифий марказ (талабаларга нисбатан) томонидан тайёрланади.

Ходим ёки талабанинг хулқ-атвори устидан жамоатчилик назоратини таъминлаш мақсадида, мазкур Қоидаларга риоя этилмаганлик ҳолатлари касаба уюшмаси қўмитаси, “Камолот” ЁИҲ ва Хотин-қизлар Қўмитаси бошланғич ташкилотларида ҳам муҳокама қилиниши амалиёти жорий этилиши мумкин.

XI. Якуний қоидалар

41. Мазкур қоидалар ТДИУ СФ Кенгаши томонидан тасдиқланганидан сўнг кучга киради ва унга ўзгартириш ҳамда қўшимчалар киритиш ТДИУ СФ Кенгаши қарорига биноан амалга оширилади.

42. Талабаликка ёки ишга қабул қилинаётган ҳар бир шахс мазкур қоидалар билан танишиб чиқиши ҳамда унга риоя қилишини ўз зиммасига олиб, имзо қўйиши шарт.